Ўзбекистон республика валюта биржасида ундириладиган воситачилик мукофоти (йиғимлар) миқдори

Ўзбекистон республика валюта биржасида ундириладиган воситачилик мукофоти (йиғимлар) миқдори Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон республика валюта биржасида воситачилик мукофоти (йиғимлар)ни ундириш тартиби”га мувофиқ қуйидагича белгиланган:

1.Чет эл валютаси операциялари бўйича воситачилик мукофоти:

1.1. Валюта операциялари бўйича воситачилик мукофоти дилерлар томонидан танланган қуйидаги тариф режаларидан бирига мувофиқ ундирилади:

Инструмент номи	**Тариф режаси**	**Воситачилик мукофотининг доимий қисми (белгиланган аниқ тўлов)**	**Воситачилик мукофотининг айланма қисми (битим ҳажмидан ундирилади)**
USD/SUM_TOD, USD/SUM_TOM	USD_SP_0	0,00	0,04%
	USD_SP_40	40 БҲМ*	0,03%
	USD_SP_120	120 БҲМ*	0,02%
EUR/SUM_TOD, EUR/SUM_TOM	EUR_SP_0	0,00	0,025%
RUB/SUM_TOD, RUB//SUM_TOM	RUB _SP_0	0,00	0,025%
CNY/SUM_TOD, CNY/SUM_TOM	CNY_SP_0	0,00	0,025%

** БҲМ – базавий ҳисоблаш миқдори.*

1.2. Валютавий своп операцияларини амалга оширишда ҳар бир дилерлардан своп битими тузилаётганда битим суммасидан 0,0008% миқдорида воситачилик мукофоти ундирилади.

2. Давлат қимматли қоғозлари билан операциялар бўйича воситачилик мукофоти

2.1. Марказий банкнинг облигациялари билан битимлар бўйича воситачилик мукофоти Дилерлардан аукционда тузилган ҳар бир битим суммасининг 0,0012 фоизи ва иккиламчи савдоларда Дилерлар томонидан тузилган ҳар бир битим суммасининг 0,0075 фоизи миқдорида ундирилади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан чиқарилган давлат қимматли қоғозлари (ДҚҚ) билан савдо-клиринг тизимида ўтказиладиган аукционлардаги операциялар учун воситачилик мукофоти қуйидаги жадвалга мувофиқ Дилерлар томонидан танланган тариф режасига мувофиқ ундирилади:

Тариф режаси номи	ЎзРВБнинг аукциондаги воситачилик мукофоти			Тариф режаси бўйича қўшимча опция***	
	Воситачилик мукофотининг доимий қисми (белгиланган аниқ тўлов) календар ой учун*	ЎзРВБнинг битимнинг айланма қисмидан олинадиган воситачилик мукофотининг базавий ставкаси	ЎзРВБнинг битимнинг айланма қисмидан пасаювчи воситачилик мукофоти ставкаси**	ДҚҚ иккиламчи бозоридаги минимал умумий ҳажм (млрд. сўм)	ДҚҚ ва ёки МБО билан дилерлараро РЕПО бозоридаги минимал умумий ҳажм (млрд. сўм)
GCB_AUC_BASIC	0	0,0012%	0,00060%	750,0	4 000,0
GCB_AUC_PRO	1,1 БҲМ	0,0009%	0,00045%	850,0	6 000,0
GCB_AUC_MAX	2,5 БҲМ	0,0007%	0,00035%	1 000,0	8 000,0

** Ўзбекистон Республикасида тўлов кунидаги базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ);*

*** тариф режаси бўйича қўшимча опцияларда белгиланган ҳажмларга етганда қўлланилади;*

**** жорий календар ойида Дилерлар томонидан қўшимча опцияда белгиланган ҳажмларга эришилганда, ЎзРВБ кейинги календар ой мобайнида пасаювчи ставка бўйича воситачилик мукофотини ундиради;*

жорий календар ойида Дилерлар томонидан қўшимча опцияда белгиланган ҳажмларга эришилмаган тақдирда, ЎзРВБ кейинги календар ой мобайнида базавий ставка бўйича воситачилик мукофотини ундиради.

2.3. Иккиламчи савдоларда ДҚҚни сотиб олишда воситачилик мукофоти ҳар бир Дилердан қуйидаги тартибда ундирилади:

а) сўндириш муддатига қадар (СДП) 200 кунгача бўлган ДҚҚ олди-сотдиси бўйича битимни тузишда қуйидаги формула бўйича:

0,0000375% х СДП х битим суммаси, бироқ 0,0075%дан ортиқ бўлмаган;

б) сўндириш муддатига қадар 200 кун ва ундан ортиқ бўлган ДҚҚ олди-сотдиси бўйича битим амалга оширилганда – битим суммасидан 0,0075%.

2.4. РЕПО операциялари бўйича воситачилик мукофоти дастлабки сотувчидан ва дастлабки харидордан РЕПО операциясининг биринчи қисми амалга оширилган куни ҳар бир битим суммасининг 0,0008% миқдорида ундирилади.

3. Банкларарo пул бозоридаги битимлар, Марказий банкнинг тижорат банклари билан депозит операциялари ва валюта гарови асосида кредит аукционлари бўйича воситачилик мукофоти

3.1. Банкларарo пул бозоридаги операциялар бўйича воситачилик мукофоти ҳар бир Дилердан ҳар бир тузилган битим суммасининг 0,000896% миқдорида (шу жумладан, воситачилик мукофоти миқдори 0,00080% ва ҚҚС миқдори – 0,000096%) ундирилади.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари билан тузилган банкларарo пул бозоридаги битимлар бўйича воситачилик мукофоти ундирилмайди.

3.3. Марказий банкнинг тижорат банклари билан депозит операциялари бўйича воситачилик мукофоти дилерлардан ҳар бир тузилган битим суммасининг 0,000896%

миқдорида (шу жумладан, воситачилик мукофоти миқдори 0,00080% ва ҚҚС миқдори – 0,000096%) ундирилади.

3.4. Марказий банкнинг тижорат банклари билан валюта гарови асосида кредит аукционлари бўйича воситачилик мукофоти ҳар бир дилердан тузилган ҳар бир битим суммасининг 0,000896% миқдорида (шундан, воситачилик мукофоти миқдори 0,00080% ва ҚҚС миқдори 0,000096%) ундирилади.

4. Ҳосилавий молия инструментлар билан операциялар бўйича воситачилик мукофоти

4.1. Валютавий фьючерс шартномалари бўйича операциялар учун воситачилик мукофоти ҳар бир Дилердан битим суммасининг 0,001% миқдорида ундирилади.